



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 7 март, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (11.105)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

● Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида «Ташаббус — 2008» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар босқичларида голибликни кўлга киритган тадбиркор, фермер ва хунармандлар беллашдилар. Фолиб ва совриндорлар кимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

● Тошкентда «Биз Орол болаларимиз» номи экологик фестивал бўлиб ўтди. «Эко-сан» халқаро ташкилоти томонидан Оролбўйи минтақасида юзага келган ижтимоий-экологик вазиятга элчихоналар, халқаро ташкилотлар ҳамда ҳомий ташкилотлар, кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалда каттр вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, жамоат бирлашмалари раҳбар, ходимлари қатнашди.

● Тошкентда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан «Шаҳарсозлик лойиҳалари ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари экологисия» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари асосий эътиборни жойларда экологик мувозанатни бузишга сабаб бўлаётган қурилиш иншоотларига қаратишди.

● Андижон шаҳрида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган «Юлдузлар ёғдуси» мавзудаги танловда ёшлар муҳаббат ва Ватанини улугловчи замонавий кўшиқ ва рақсларни ижро этишди. Танловда етти ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган 25 нафар иқтидор эгаси 17 та номинация бўйича ўзаро куч сынашди.

● Фаргона вилоятида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш хусусидаги Фармонини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Асакабанк»нинг Марғилон филиали етти ёш оилга ипотека кредити, 17 ёш оилга эса истеъмол кредити ажратди. Ёшлар йилида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

● Мамлакатимизнинг энг шимолий тумани — Кўнғирот билан қўшни Қозоғистон Республикасининг Бейнеу шаҳрини туташтирувчи катта магистрал йўлнинг 876-916 километри жадал реконструкция қилинмоқда. Жорий йилда бу ерда 5 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилади. Эни 11 метру 60 сантиметрлик йўл тўлиқ асфальтланади, иккита янги кўприк қурилади, муҳандислик-коммуникация ишлари амалга оширилади.

**ЖАҲОНДА**

● Кеча Брюсселда ўтказилган НАТО саммитида альянсга аъзо мамлакатлар ташки ишлар вазирлиги Украина ва Грузиянинг НАТО таркибига кириши масаласини қўллаб-қувватлашмади.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Арманистонда намоишчилар ва полиция ўртасида рўй берган тўқнашувлардан хавотирдан эканини таъкидлади. Бош қотиб Арманистон ҳукуматини давлатни барқарорлик ҳолатига қайтариб, фавуқолдада вазиятни бекор қилиш учун зарур чора-тадбир қўллашга чақирди.

● Жорий йилнинг 7-9 июль кунлари Япония шимолидаги Хоккайдо оролида «Катта саккизлик» мамлакатларининг навбатдаги анжумани ўтказилди. Унда «катта саккизлик» саммити тарихида илк бор 23 мамлакат вакиллари қатнашиши куттилмоқда. Йўналишда асосий эътибор атроф-муҳитнинг ялпи исиши ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилишга қаратилади.

● Европа Иттифоқига раислик қилаётган Словения давлати Косовонинг бир томонлама эълон қилган мустақиллигини тан олди. Шу билан Косово мустақиллигини қўллаб-қувватлаган давлатлар сони 20 га етди.

● Украинада парламент таназзули расман эълон қилинди. Ҳозирда Олий Рада фаолиятига чек қўйилиб, унинг бир ҳафтадан сўнг тарқатиб юборилиши куттилмоқда. Мамлакат президенти Виктор Юшенко парламентни ўз фаолиятини бажара олмаслиқда айбламоқда.

● Кеча Ироқ пойтахти Бағдодда амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракати натижасида 50 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди, 130 га яқин аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Кеча Симферополда Украинанинг НАТО-га киришини қораловчи норозилик намоиши бўлиб ўтди.

● Жорий йилнинг 13 февралда ўлдирилган, коррупцияга қарши фаол курашиши билан танилган Саратов вилояти прокурори Е.Григорьевнинг жонига қасд қилиш ишларига тайёрларлик кўриш ва уни амалга оширишда айбланаётган бир гуруҳ жиноятчилар кўлга олинди.

● Кеча Филиппиннинг Манила шаҳридаги Исроил ва АҚШ элчихоналарида террорчилик ҳаракатларини амалга оширишни режалаштирган учта жангари кўлга олинди.

● Женевада аънавий халқаро автосалон очилди. Унда қўллаб бутунлай янги йўналишдаги автомобиллар намоиш этилмоқда. Хусусан, Япониянинг «Хонда» компанияси водород орқали ҳаракатланадиган жаҳондаги илк автомобилни кўрсатаётган бўлса, «Тойота» компанияси 4 киши кетадиган дунёдаги энг кичик ҳажмдаги автоуловни намоиш этмоқда. «Скандинавия пантераси» номини олган Швециянинг янги «Вольво» машинаси ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**6 МАРТ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.**

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, энг муҳими, ишнинг негизини биладиган, изланувчан ва бунёдкор эли билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади, деди Президент.

Эътиборга сазовор томони шундаки, ана шундай улкан салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, Фарғона вилояти юртимизнинг ривожланган ҳудудларидан бирига айланиб бораётганини қўллаб-қувватлашда кўриш мумкин.

Биргина 2007 йил давомида эришилган амалий натижалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шу даврда вилоятда ялли ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 7,9 фоиз, саноат маҳсулотлари — 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги — 8,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари — 11,8 фоиз, пуллик хизматлар — 20 фоизга ошгани вилоят иқтисодиётидаги ўсиш суръатларидан далолат беради. Бу борада айниқса энгил саноат тармоғида катта ишлар қилинмоқда. 2007 йилнинг ўзида соҳага 81,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция, жумладан, 20,2 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилганини таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, шунинг ҳисобидан Учкўприк туманида «Хумо уч», Кува туманида «Куватекстиль», Марғилон шаҳрида «Оршахтекстиль», Риштон туманида эса «Риштон» каби бир қатор корхоналар ишга туширилиб, минглаб ёшларимиз замонавий иш ўринларига эга бўлди.

Вилоятда 2006-2007 йиллар мобайнида маҳаллийлаштириш дастури доирасида салкам 22 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу ўз навбатида 17,7 миллион доллар миқдорида валютани иқтисод қилиш имконини берди.

Айни пайтда қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш дастурига мувофиқ, 5 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, йилига 6 миллион 700 минг дона гишт ишлаб чиқарадиган 3 та корхона, асфальт-бетон заводи, эшик ва ромлар тайёрлайдиган корхона фойдаланишга топширилганини ижобий баҳолаш лозим.

2007 йилда вилоятда қарийб 620 минг квадрат-метр уй-жой барпо этилиб, 88 километрдан зиёд табиий газ, салкам 200 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилди. 11 минг 835 ўқувчига мўлжалланган 15 та касб-хунар коллежи, 1 минг 470 ўринли 2 та академик лицей, 22 минг 670 ўқувчи таълим оладиган 49 та мактаб фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси вилоятда кенг қўламли капитал қурилиш ишлари бажарилганини кўрсатиб турибди.

Этакчи тармоқ бўлиши қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳам ўзининг амалий натижаларини бермоқда, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Буни айниқса вилоятдаги мавжуд 24 минг 197 та фермер хўжалиги қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили ҳудудда етиштирилган пахта ва галла ҳосили юз фоиз фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани ҳам бу фикрни исботлайди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларни замонавий техника, тегишли ресурслар билан таъминлаш, қишлоқда зарур инфратузилмани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани соҳада қўлга киритилаётган ютуқларнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Шулар қаторида Фарғона вилоятида биргина 2007 йилнинг ўзида фермер хўжаликларига 443 та янги техника, жумладан, 299 та трактор етказиб берилгани ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилатганини қайд этиш ўринлидир.

Фарғона вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида эришилган бундай ютуқларни ҳолисона тан олган ҳолда, айни пайтда ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш йўлида ғов бўлиб турган, барчамизни ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган қатор муаммо ва камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта, деди Ислон Каримов.

(Давоми 2-бетда).



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАҚ, МУҲТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛАР!**



## ҲАМИША ЭЛИМИЗ АРДОҒИ ВА ЭЪЗОЗИДАСИЗ

**Оламда аёл мадҳига дoston тугамайдир, Чун ишқ тугамас, ишқдаси армон**

тугамайдир...

Севимли шоирларимиздан бири қаламига мансуб ушбу мисраларни ўқганимизда беихтиёр аёлларга, мунис оналаримизга берилган таърифу тавсифнинг шохиди бўламиз. Хакикатан ҳам аёлларни мадҳ этмаган ким бор? Аёл—ҳар бир миллат ва жамиятнинг гултожи, башарият кўшиқдир. Аёл Момо ҳаво авлоди, миллат давомчиси, ҳаётимизни, хонадонимизни меҳр нури, эзгулик, яхшилик, ифрату нафосат нури билан мунаввар қилувчи муқаддас зотдир. Аёл қалбидаги меҳр-муҳаббат, поклик, саховат, эзгулик нурига фарқ бўлган гўзал туйғулар уларнинг ифрату латофатида, назокатида намоён бўлиши—ўзбек аёли учун ўлмас фазилат, олий қадриятдир. Унинг меҳр тўла кўзларига эътибор қилсангиз, унда порлаган шафқат ва марҳамат, латофат ва орият, садоқат ва меҳр-муҳаббат зиёсини кўрасиз. Аёл ташқи чиройи билан эмас, ички сийрати, феъл-атвори, инсоний фазилатлари, меҳнату шижоати, хулқу одоби, ифрату ҳаёси билан гўзалдир.

Мустақиллик йилларида ўзбек хотин-қизлари гўзал шарқона ахлоқий фазилати билан кун сайин юксалиб, ақл-заковати, ғайрат-шижоати, тадбирқору ишбилармонлиги билан мукаммаллашиб бормоқда. Мамлакатимизда аёлларга бўлган муносабат ҳукуматимизнинг энг устувор масалаларидан бирига айланди. Улар жамиятимиз энг эъзозга сазовор, хурмат-иззат, ғамхўрлик ва эътиборга лойиқ зотга айландилар. Бунинг ёрқин далилини Мустақиллик майдонида ўз фарзанди камолоти орзуси билан нафас олаётган бахтли, келажакка ишонч ва эътиқод билан қараётган Она тимсолида яққол кўриш мумкин. Шунга таъкидлаш кераки, юртимизда аёллар учун ҳамма шароитлар, имкониятлар, зарур тамойил ва

омиллар яратилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида муҳим дастуруламал бўлди. Аёлларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги янада ортди. Хотин-қизларнинг фаолиятига зарур шароит ва имкониятлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса хотин-қизларни жамоат ва давлат ишларига кенг жалб этиш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифаларга айланди.

Бугунги кунда жамиятимиз кўрки, гули, бўлган тадбиркор, ишбилармон, олимпиа, мураббий, шифокор, жамоатчи аёллар, ақлдорли, доно ва эзгу қизлар ҳар бир ишда ҳозиржавобликлари билан кўзга ташланмоқдалар. Илм-фан соҳасида мислсиз ютуқларга эришаётган олимпиа аёллар, адабиёт, санъат, спорт соҳасида етишиб чиқаётган иқтидорли қизларни кўриб беихтиёр қалбинг фахр, ифтихор туйғуларига тўлади.

Бир сўз билан айтганда бугунги мустақил Ўзбекистонимизда яратиш иши билан яшаётган, қалбидаги бор меҳру муҳаббати билан бир қўлида бешик, бир қўлида оламни тебратаятган, дилида пок ниятлар ила оиласига ҳам, жамиятга ҳам бирдек қуюнчақ, фидойи шижоатли аёлларимиз, латофатли, дилбар ва доно қизларимизнинг фазилатлари ҳақида ҳар қанча фахр билан гапириш мумкин. Ўйлаيمизки, аёллар фазилатига айланаётган қурбонлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, юртга садоқат эртамиз учун саодат қалити бўлиб хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Баҳор ва гўзаллик айёмингиз муборак бўлсин, азиз ва муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар. Сиз ҳамиша элимиз ардоғида ва эъзозидасиз.

Дилором ИКРОМОВА

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Қасқа сатрларда

● **ШАҲРИМИЗДА** ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари иштирокида ўтказилган тадбир ёшларни касба йўналтириш масалаларига бағиш-

ланди.

● **КАМОЛИДДИН** Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида замонавий санъат ривожига фалсафанинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган конференцияда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўми-

тасида Орол минтақасида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш чораларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида туманнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган тадбир 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

● **ДАВЛАТ** ва жамият қурилиши академиясида кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Рес-

публика Мудофиа вазирлиги ҳамкорликларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўшатирилган тадбир «Аёлга эҳтиром» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ташкил этилган мамлакат биринчилиги мусобақалари қизгин паллага кирди.

● **ЎТГАН** куни Халқаро хотин-қизлар куни ва Ёшлар йилига бағишлаб Республика

Олимпия заҳиралари коллежида бадий гимнастика бўйича уюштирилган спорт мусобақаси «Гўзаллик ниҳоллари» деб номланди.

● **«ЗАРАФШОН»** концерт залида Юнусовод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Аёл билан олам мунаввар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бош 1-бетда)

Мисол учун, асосий тармок бўлиши саноат соҳасини оладиган бўлсак, аввало, шуни айтиш лозимки, Фарғонада нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иктисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йirik корхоналар мавжуд.

Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғона азот" ва Кўкондаги "Суперфосфат" кимё заводалари, Қувасойдаги "Кварц" ва "Қувасойцемент" каби экспорт-бop маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналарининг салоҳияти катта эканини таъкидлаш керак.

2007 йил якунига қўра, республикада ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсулотининг 10 фоиздан ортиғи Фарғона вилояти корхоналари томонидан тайёрлангани ҳам шундан далолат беради. Лекин ташвиш уйғотадиган томони шундаки, вилоятда мавжуд бўлган ана шундай салоҳиятдан ҳозирги вақтда етарли даражада самарали ва тўла фойдаланилмаётти. Бу борада олиб борилган таҳлиллар аксарият саноат корхоналаридаги асбоб-ускуна ва дастгоҳларнинг ниҳоятда эскириб қолганини кўрсатмоқда. Мисол учун, Фарғона механика заводида асосий ишлаб чиқариш вазирлигининг 85 фоизи, "Алишер Навоий" текстиль кўша корхонасида — 92 фоизи эскириб қолганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш паст даражада бўлиб, 2007 йилда бу кўрсаткич Фарғона кимё толарани заводида 12,8 фоизи, Фарғона фуран бирикмалари заводида 18,5 фоизи, "Фарғона азот" корхонасида эса 58,8 фоизни ташкил этганини афсус билан таъкидлашга тўғри келади.

Айни пайтда кимё ва тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий аҳволи, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб бораётганини жиҳдид ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби шунки, бугунги кунда мамлакатимизда энг устувор йўналиш сифатида амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, рақобатта баҳолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласига вилоятда етарлича эътибор берилмаётти.

Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий мулкни иктисодиётимизда етакчи ўринга кўтариш, ишлаб чиқариш соҳаларини реконструкция қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш, уларнинг самарали ишлаши учун керакли ёрдам бериш масалаларида катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоятдаги илгари хусусийлаштирилган 50 та корхонадан 24 таси ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишламаётгани, 26 тасининг эса мулкдош фаолият кўрсатмаётгани, янги қувватлар барпо этиш режалаштирилган 31 та корхонадан 8 тасида қурилиш ва ускуналарни ўрнатиб ишларни охирига етказилмагани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари ана шу корхоналарни чуқур модернизация қилиш учун биринчи навбатда чет эл инвестицияларини, замонавий технологияларни вилоятга олиб келиш зарурлигига эътибор қаратиб, қўйидагиларни таъкидлади.

Вилоятда ер қўпаймас, сув қўпаймас, эртага одамларни ниманинг ҳисобидан боқамиз, ниманинг ҳисобидан даромад билан таъминлаймиз? Ахир, фақат пахта ёки галла етиштириш билан узоққа бориб бўлмайди-ку! Лекин, минг афсуски, вилоятда ҳоржий инвестицияларни жалб қилиш масаласига етарлича аҳамият берилмаётти. Буни 2007 йилда инвестиция дастурида белгиланган 7 та лойиҳадан атиги 2 таси маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилгани, Охунбобоев, Сўх ва Езёнов туманларида ҳоржий инвестициялар мутлақо жалб қилинмагани, Фўрқат ва Охунбобоев туманларида эса чет эл капитални иштирокидаги қўшма корхоналар умуман ташкил этилмагани ҳам исботлайди.

Фарғонанинг келажаги, шу юртда яшаётган одамларнинг даромади, ҳаёт даражасини ошириш саноат соҳасини ривожлантириш, авваламбор, кишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган илчам корхоналар барпо этиш, коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармокларини жадал тараққий эттириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу ҳақиқатни авваламбор ҳалқ катта ишонч билдириб, шу юртга етакчи қилиб сайлаган раҳбарлар, маъсул шахслар ҳаммадан ҳам чуқур англаб олиши лозим, деди Юртбошимиз.

Сессияда Фарғона вилоятидаги саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларнинг самардорлигини ошириш ва тўла қувват билан ишлаб, юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига эришиш нафақат вилоят, балки биринчи галда ҳукумат, марказий вазирлик ва идораларнинг ҳам асосий вазифаси экани, бу борада энг муҳим тармоклар ва йirik корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича қабул қилинган махсус дастурга мувофиқ, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор жиҳдид ишлар амалга оширилаётгани ва бундай чора-тадбирлар келгуси йилларда ҳам изчил давом эттирилиши таъкидлаб ўтилди.

Мен Фарғона вилоятини иктисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболлари тўғрисида декабрь ойида фарғоналик сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувда атрафлича тўхталиб ўтган эдим, деди Ислам Каримов. Бугунги фўрсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман — Фарғона вилоятини ҳар томонлама тараққий эттириш, бу юртни янада обод қилиш, одамларимиз учун муносиб шaroит яратиш бериш — бундан буюн ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлади. Лекин, вилоятнинг ўзида ҳам ташаббус ва ҳаракат бўлиши, вилоят раҳбарлари ва фаоллари, ҳалқ ишончини қозонган депутатлар бу масалада биринчи навбатда жон қуй-

дириши зарур.

Шундан сўнг Президент Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам қатор муаммолар ечилмасдан қолаётганига эътиборни қаратди.

Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ялли худудий маҳсулот таркибидаги ҳиссаси 51 фоизни ташкил этгани ҳолда, ўтган йили уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 5,6 фоизга камайган. Данғара тумани ва Марғилон шаҳрида бу кўрсаткич вилoят даражасидан ҳам паст бўлган. Бағдод, Бешариқ ва Тошлоқ туманларида эса бу соҳадаги топшириқлар умуман бажарилмаган.

Вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил қилганда, уларнинг 74 фоизи кишлоқ хўжалиги соҳасида, 11 фоизи савдо ва умумий омаклатини йўналишида фаолият кўрсатаётгани, иктисодиётимиз учун устувор бўлган соҳалар, яъни саноатда уларнинг улуши 5,4 фоиз, транспорт ва алоқа тармоғида 1,3 фоиз, ахборот хизматлари кўрсатишда 0,2 фоиз, кўчмас мулк операциялари бўйича 0,2 фоизни ташкил этаётганини қоникарли деб бўлмайди.

Табиийки, иктисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар молиявий аҳволга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бугунги кўнда вилоятдаги 19 та шаҳар ва тумандан 16 таси дотацияга қолиб келмоқда. Айниқса, Фўрқат, Сўх, Езёнов, Охунбобоев, Бувайда ва Фарғона туманларида, Марғилон шаҳрида дотация улуши юқори бўлиб, афсуски, мавжуд аҳволни ўзгартириш учун амалий ҳаракатлар қўзғаш ташламаяпти.

Юртбошимиз ҳозирги кўнда мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги самардорлигини ошириш ва шу асосда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш масаласига устувор аҳамият берилаётгани ҳақида тўхталиб, бу масаланинг ечимни суғориладиган экан майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бу ҳақда гапирганда, Фарғона вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети кейинги йиллар давомида 10 баллга, Бешариқ, Тошлоқ, Риштон ва Учкўприк туманларида 15-16 баллга, Фўрқат туманида 18 баллга, Бувайда туманида эса 23 баллга камайганини қайд этиш лозим.

Бугунги кўнда вилоят бўйича кишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерларнинг 51 фоизини турли хил даражада, жумладан, 66 минг гектари ёки 26 фоизини ўртача ва кўчли даражада шўрланган майдонлар ташкил этади.

Бу борадаги аҳволни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган махсус давлат дастурида Фарғона вилоятида 56,5 миллиард сўмлик, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 8,4 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, бу йил Марказий Фарғона туманларига Хитойдан 73 донга, Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамағармаси маблағлари ҳисобидан лизинг компанияси орқали вилоятга қўшимча равишда яна 28 донга замонавий мелиоратив техника келтириш кўзда тутилмоқда.

Фарғона вилоятининг ўтган йили пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажаришда қолдиқликка йўл қўйгани, юмшоқ қилиб айтганда, бир пайтлар бу соҳанинг устаси бўлган сиздек миришор дехқонларга албатта ярашмайди, деди Президент.

Пахтачилик соҳасидаги бундай оқсоқликнинг сабабларидан бири — кўп йилдан буюн ечилмасдан қолаётган, шу заминга ҳар томонлама мос бўлган қўра навини яратиш билан боғлиқ.

Вилоятнинг тупроқ ва иқлим шароити талабларига жавоб берадиган серхосил, эртанишар ва сифатли тола олинадиган навлар яратилмагани натижасида ҳар 3-4 йилда қўра навлари алмаштирилиб, асосий майдонларга ўрталашар навлар экиб келинмоқда. Хусусан, 2007 йилда 61,4 фоиз майдонга ана шундай навлар экилди. Афсуски, бу навлар ҳозирча қўрилган самарани берамаяпти. Хосилдорлик ва тола сифатининг пастлиги туфайли бир қатор туманларда қилинган ҳаракатлар ўзини қопламаётти.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги тегишли идоралар билан биргаликда, Фарғона шароитида жаҳон бозорини талаб қилган сифатли тола берадиган истиқболли қўра навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича аниқ ва амалий чора-тадбирларни кўриши зарур.

Давлатимиз раҳбари мажлис аҳли эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Бу вилоятда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ.

Маълумки, Фарғона вилояти ўзининг сўлим боғлари, ширин-шакар мева ва сабзавот маҳсулотлари билан бутун дунёда шўҳрат қозониб келади. 2007 йилда 357 минг тонна сабзавот, 178 минг тонна мева, 53 минг тонна узум етиштирилгани ҳам вилоятнинг бу борада қандай катта имкониятга эга эканини кўрсатади. Лекин, афсуски, бу маҳсулотларни қайта ишлаш, шу соҳада мавжуд корхоналарнинг қувватидан самарали фойдаланиш ишлари ҳамон қоникарсиз аҳволда қолмоқда. Ўтган йили худудда етиштирилган узумнинг 3,5 фоизи, сабзавотнинг 14,8 фоизи, меванинг эса атиги 1 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланган, мавжуд 9 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхонаси 40-50 фоиз қувват билан ишлаган.

Айни пайтда сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган 18 та агрофирмининг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг сабаби — вилоятдаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарига инвестициялар, замонавий минитехнологияларни олиб келиш, агрофирмалар фаолиятини кучайти-

риш масалалари ҳамон эътибордан четда қолиб келаётгани билан боғлиқ. Мисол учун, 2007 йилда «Агро минитех» экспоркўргазма савдоси якунларига қўра танлаб олинган 2 миллиард сўмлик 46 та лойиҳа охиригача тўлиқ жорий этилмаган. Шу борада вилоятнинг Бешариқ ва Данғара, Охунбобоев, Учкўприк ва Қўва туманларида йил давомида мева-сабзавотни қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва паррандачилик йўналишлари бўйича биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Президент вилоятда ижтимоий соҳа ривожига баҳо берад экан, қуйидаги фикрларини баён қилди.

Албатта, Фарғона вилоятида бу масалалар бўйича қўлгина ишлар қилинган ва қилинмоқда, бунга ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин баъзи бир шаҳар ва кишлоқларда бажарилган ишлар талаб даражасида эмас. Бир қатор туманларда аҳвол ҳали бери ўзгармасдан келмоқда. Бу авваламбор соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, коммунал хизмат ва сервис соҳаларига тегишлидир.

Бу ҳақда кўп гапириб ўтирмасдан фақат битта муаммони — 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйлари таъмирлаш масаласини олайлик. Бу борада вилоятда 2007 йилда 332 та кўпқаватли уйни таъмирлаш белгиланган бўлиб, амалда уларнинг 276 таси таъмирланган, холос. Олтириқ туманини ҳисобга олганда, қолган барча туманларда берилган топшириқлар бажарилмаган. Айниқса, Езёнов ва Бешариқ, Учкўприк ва Тошлоқ туманларида бу борадаги ишлар талабга жавоб берайди.

Вилоят бўйича ҳозирги вақтда 638 та хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур шirkатларда ишлаётганларнинг 40 фоизи бошқарув ходимлари бўлиб, бу мезёрга нисбатан 25 фоиз кўп демакдир. Бу эса тўпланган маблағларнинг катта қисми иш ҳақи учун сарфланшига сабаб бўлмоқда. Натижада уй-жой фондларини сақлаш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳар хил носозликларнинг олдини олиш учун маблағ етишмаяпти.

Биз учун нафақат ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга аҳолини иш билан таъминлаш масаласида ҳам қатор нуқсонлар борлигини айтишга тўғри келади, деди Ислам Каримов. Масалан, 2007 йилда бандик идораларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 2006 йилдагига нисбатан қариб 11 мингга ёки салкам 20 фоизга ошгани ҳолда, ишга жойлаштирилган сони ўтган йилга нисбатан атиги 1,6 фоизга қўпайган.

Янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан иш жойлари яратиш масаласига Данғара, Бағдод, Езёнов, Охунбобоев, Тошлоқ ва Узбекистон туманларида етарли эътибор берилмаяпти.

Вилоятда замонавий касб-хўнар коллежларини битириб чиқаётган ишларни ишга жойлаштириш борасидаги аҳволни ҳам қоникарли баҳолаб бўлмайди. Хусусан, 2007 йилда касб-хўнар коллежларининг 22 минг 550 нафар битирувчисидан 12 минг 995 нафари ёки 57,6 фоизи ишга жойлаштирилган, холос. Хўш, қолган ёшларнинг тақдирини ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида ким бош қотиради, деган ўринли савол турғилади.

Юртбошимиз сессия иштирокчилари эътиборини бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг аҳволига қаратар экан, шундай деди.

Қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, гўзал маканлари билан ном қозониб келган Фарғона вилоятида кейинги йилларда ободончилик масаласида ҳам оқсоқлик аломатлари кўзга ташланмоқда. Узоққа бормасдан, вилоят маркази бўлган Фарғона шаҳрини олайлик. Бу шаҳарнинг кейинги йилгирим-ўттиз йил давомида эски ҳолатда, ўзгармасдан қолиб келаётганини, баъзи жойларда нураб кетган иморатларни кўриб, одам албатта ранжийди.

Вилоят марказини ҳар томонлама обод ва кўркам шаҳарга айлантириш учун маҳаллий раҳбарлар ва мутасадди шахсларга бир неча бор зарур тақлиф ва тавсиялар берилган эди. Лекин, бу масала халигача уларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Маълумки, ҳеч қайси шаҳар бир-икки йилда обод бўлиб қолмайди, бунинг учун анча муддат керак. Лекин ўтган йиллар давомида вилоят раҳбарлари мана шу масала ечимига астойдил киришганда, бугун жуда кўп иш қилинган бўлар эди.

Уйлайманки, бундай нохуш ҳолатга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак, деди Президент. Шаҳар раҳбарлари, биринчи галда, шаҳарнинг ҳокими, маъмурияти, бош архитектори ва бошқа мутасадди шахсларнинг бу борадаги маъсулиятини ошириш, керак бўлса, Тошкентдаги етакчи лойиҳа институтларининг мутахассисларини тақлиф этиб, Фарғона шаҳрининг ўзига хос ва шу билан бирга, бетақорор қиёфасини яратиш ҳақида барчамиз биргаликда бош қотиришимиз зарур.

Бугунги кўнда 3 миллионга яқин одам истиқомат қилаётган Фарғона вилояти мамлакатимиздаги аҳоли энг кўп ва зич яшайдиган худудлардан бири ҳисобланади, деди Ислам Каримов сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала ҳақида тўхталар экан. Табиийки, вилоятнинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб, аввало унинг иктисодий тараққиётини таъминлаш, эл-юртнинг ҳаётини тебратиш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, мактаб, касалхона, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа ўнлаб бир-бирдан муҳим ва зарур масалаларни жой-жойига қўйиб албатта осон иш эмас.

Фарғона вилояти ҳокими вазифини ишга қўйиб келган Абдуқошим Абдуллаев фаолиятига шу нуқтаи назардан баҳо берад эканмиш, шуни айтиш керакики, ўтган йил давомида вилоят ўз тараққиётида қандай натижаларга эришган бўлса, буларнинг барчасида унинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. У

қўлидан келганича, имконияти борича ҳаракат қилганини эътироф этишимиз лозим.

Лекин, келинг, Фарғона вилоятида мавжуд бўлган аҳволга очик қўз билан қарайлик. А.Абдуллаев ўтган бир ярим йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида вилоят, туман ва жойлардаги раҳбар ва фаолларни ана шу юрт олдида турган ўта муҳим ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун бирлаштириш ва сафарбар қилишга, етакчи сифатида уларни бошқаришга қўриб-қудрат этибди. Бунинг иттижасини бугун Фарғона вилоятининг иктисодий-ижтимоий ривожланишида турли соҳаларда оқсоқликка йўл қўйилгани, мавжуд муаммолар ўз ечимини топмасдан, тобора тўпланиб ва қўпайиб бораётгани мисолларидан кўриш мумкин.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур: мана шу масалаларга, бугун вилоят ҳаётидаги барчамиз безовта қиладиган, одамларни қийнаётган, ечилмаган муаммоларга ўзимиз ўз вақтида тўғри баҳо бериб, юзга келган ҳолатга танқидий қўз билан қараб, уни ижобий томонга ўзгартириш чораларини кўришимиз керак.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай раҳбардан, айниқса, вилоят ва туман етакчиларидан ақл-заковат, ташкилотчилик, талабчилик ва қатъиятлик каби хусусиятлар каторида мавжуд вазиятни бошқаришга қараганда чуқуროқ англаш ва узоқни кўриш, энг муҳими, кенг қамровли фикр юритиш, ҳар қайси ишни бошлашдан олдин унинг оқибатини кўра билиш, қарор қабул қилаётганда маъсулиятни ўз зиммасига олиш, керак бўлган жойда қаттиққўллик кўрсатиш талаб этилади.

Юриш шундай хусусият ва аломатларга эга бўлмасдан туриб, одам ўзини етакчи, раҳбар, деб ҳисоблашни ўзи қийин.

Бу ҳақда гапирганда, шундай бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман, деб таъкидлади Юртбошимиз. Яъни, раҳбар деган одам ўзини бамисоли кураш майдонидан саркарда деб фарз қилиши керак. Бошқача айтганда, саркарда кураш майдонининг пасту баландини, хавф хатар қайси томондан келишини қандай тасаввур қилса, раҳбар ҳам ўзи бошқараётган худуднинг шарт-шароитини, унинг барча жиҳатларини ва мавжуд муаммоларни беш қўлда билиши зарур.

Айниқса, Фарғона вилояти мисолида олдидан бўлсак, ҳар қайси шаҳар — бу Фарғона ёки Кўкон бўлади, Марғилон ёки Қувасой бўлади — буларнинг ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи, ечилмаган муаммоларга эга эканини унутмаслик лозим. Вилоятдаги мавжуд 15 та кишлоқ тумани бири иккинчисига ўхшамайди, ҳар бирида ўзига яраша афзал томонлари билан бирга, қийинчилик ва муаммолари ҳам бор.

Буларнинг барчаси биринчи раҳбардан мана шу Фарғона заминидан яшаётган одамларнинг кўнглига етиб бориш, уларни рози қилиш, амалий режалар атрофида бирлаштириш, эртанги кунга ишонтириш, катта марралар сари сафарбар этишни талаб қилади. Бугунги таърибга, бугунги ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, бундай юксак хусусият ва аломатларга эга бўлиш ҳар қандай раҳбарга ҳам берилмас экан, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Абдуллаев Фарғона вилояти ҳокими вазифини оладиган одамнинг қўли қўлини.

Президент Ислам Каримов тавсиясига қўра республика ЕР-мой ва озим-овқат саноати уюшмасининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Маматосиқ Фабуров Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун ҳалқимиз ва Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқинига қадам қўймоқда. Бу босқинда аниқ ва равшан белгилаб олган стратегик йўлимиз, ҳаракат дастуримизни амалга ошириш учун ҳар биримиз — давлат раҳбаридан тортиб оидий фуқарога — барчамиз белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, ислохотларни янгида чуқурлаштириб, мамлакатимизни яқини, юксак марраларга олиб чиқишимиз зарур, деди Юртбошимиз. Буни биздан шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Асрлар давомида олтин водий деб ном олган, нафақат Ўзбекистон, балки минтақамизнинг том маънода юраги бўлиб келаётган Фарғона вилояти меҳнатқашлари ана шу улкан вазифаларни ҳал этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, бошқаларга ибрат ва намуна бўлади, деб ишонаман. Бунинг учун Фарғона вилоятида куч ҳам, имконият ҳам, замоналар синовидан ўтган таъриб ҳам етарли.

Энг муҳими, Фарғона аҳолининг билим ва салоҳияти, азму шижоати, ҳар қандай одами ҳам ўзига тортадиган жой қайда қизилатлари бор. Бундай эл билан ҳар қандай юксак мақсадларга эришиш мумкин. Ҳамма гап — бу ҳалқнинг қалбига йўл топи, уни улғур орзу-ниятлар сари сафарбар эта олишда. Уйлайманки, бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбар вилоят аҳлига суяниб-танииб, мавжуд муаммоларни ечиш, Фарғона вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилади, деди пировардида Ислам Каримов.

Сессияда сўзга чиққан Фарғона давлат университети ректори М.Аҳмедов, Кўкон шаҳар 14-Қаймоқли гузари маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маънаватқашчи Ш.Маҳмудова, Риштон тумани "Умидли тонг юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Собиров, Фарғона шаҳар ҳокими Э.Нуралыев, Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз нутқида баён қилинган танқидий фикр-мулоҳазалардан зарур ҳулосалар чиқарган ҳолда, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш, белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли адо этиш йўлида ишлатиб аҳли бир ёқадан бош чиқариб, уюшқоқлик билан астойдил меҳнат қилиши зарурлиги ҳақида гапирдилар.

(Ўза)

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, УНИНГ БАРЧА ТАМОЙИЛЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШДА ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИНГ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ — СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ЭРКИНЛАШУВИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ МАВЗУДА ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ИККИ КУНЛИК ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ШУ ҲАҚДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ. ТАДБИР МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ ЖАМҒАРМАСИ (ЎЗБЕКИСТОН) ТОМОНИДАН АҚШНИНГ ЯНГИ ДЕМОКРАТИЯЛАР ИНСТИТУТИ БИЛАН ШАРҚИЙ КЕНТУККИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирликлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), АҚШ, Европа давлатларидан соҳа мутахассислари ва таҳлилчилар, БМТ ва ЕХҲТ вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳоржий дипломатлар иштирок этди.

Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилганидек, инсонпарварликнинг амалдаги ёрқин намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, биринчи навбатда яшаш ҳуқуқига риоя қилиниши борасидаги гамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда





ДУШАНБА, 10

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жаҳоирини» Т/с
7.35, 15.10 «Юртим бўйлаб» дастури

«НТВ»

5.20 Мультфильм
5.50 Х/ф «Берегите женщин»
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодина»
8.30, 10.20, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 «Улици разбитых фонарей»

«СТС»

8.00 «Учительский пёс» М/ф
9.25 «Остров ошейков» М/ф
9.55 «Флипер и Лопак» М/ф
10.20 «Смешарики» М/ф

«ТВ-3»

8.00 «Улицы»
9.00, 10.30 Мультфильм
9.15 М/ф «Кот по имени Икс»

«Ташкент»

17.55 М/ф «Кирол шёр»
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет»
18.25 «Биласизми»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтакт»

«Первый канал»

5.00, 6.10, 12.00 «Алматы для Марии»
5.00, 10.00, 12.00 «Новости»
6.25 «Сабий пол. Проверка на прочность»

«Россия»

5.30 «Влюблен по собственному желанию» Х/ф
7.30 «Сельский час»
8.00, 11.00, 14.00 «Вести»

«Первый канал»

5.00, 6.10, 12.00 «Алматы для Марии»
5.00, 10.00, 12.00 «Новости»
6.25 «Сабий пол. Проверка на прочность»

«Россия»

5.30 «Влюблен по собственному желанию» Х/ф
7.30 «Сельский час»
8.00, 11.00, 14.00 «Вести»

ЧОРШАНБА, 12

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Новости»
9.25 «Малехов ++»

«ТВ-3»

8.00 «Улицы»
9.00, 10.30 Мультфильм
9.15 М/ф «Кот по имени Икс»

«Ташкент»

17.55 М/ф «Кирол шёр»
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет»
18.25 «Биласизми»

«Первый канал»

5.00, 6.10, 12.00 «Алматы для Марии»
5.00, 10.00, 12.00 «Новости»
6.25 «Сабий пол. Проверка на прочность»

«Россия»

5.30 «Влюблен по собственному желанию» Х/ф
7.30 «Сельский час»
8.00, 11.00, 14.00 «Вести»

«Первый канал»

5.00, 6.10, 12.00 «Алматы для Марии»
5.00, 10.00, 12.00 «Новости»
6.25 «Сабий пол. Проверка на прочность»

«Россия»

5.30 «Влюблен по собственному желанию» Х/ф
7.30 «Сельский час»
8.00, 11.00, 14.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
10.45, 17.50 «Вести Дижурная часть»
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 «Вести»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АБИТУРИЕНТ — 2008

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА
ёзма кириш имтихонлари ва ТЕСТГА мукаммал технология асосида тайёрланишни хоҳлаган ёшларни

Математика, физика, инглиз тили ҳамда ўзбек ва рус тилларидан тайёрлайди.
Дарсларни университетнинг юқори талакли ўқитувчилари олиб боради.

Ўқиш муддати — 5, 4, 3, 2, 1 ой.
Уқиш гуруҳлар ташкил бўлишига қараб ҳар ойнинг бошида бошланади.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил:

Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, (7-қават, 708-хона).
Телефон: 246-03-42, 246-82-40 (ички телефонлар: 270, 263).



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Табутчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилишни эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорлик-да коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришимиз мумкин.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шар» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқдас. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.